

“СAМСE Engineering Co., Ltd.” компанияси “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамиятига тиббий ниқоблар тақдим этди

// 23.06.2020

<https://www.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/camce-engineering>



“СAМСE Engineering Co., Ltd.” компанияси мамлакатимизда амалда бўлган пандемия шароитида коронавирус инфекциясининг тарқалишининг олдини олишга кўмаклашиш мақсадида “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамиятига тиббий ниқоблар тақдим этди.

“СAМСE Engineering Co., Ltd.” компанияси пандемия даврида “Ўзкимёсаноат” АЖ тизимида фаолият юритаётган ходимларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш борасида кўрсатган амалий кўмаги компаниянинг ишончли ҳамкор эканлигини намоиш этди.

Ўзаро ҳамкорлик ва биргаликда курашиш орқали коронавирус инфекциясидан халос бўлишимизга ишонамиз.

“Ўзкимёсаноат” АЖ Матбуот хизмати